



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2022 - yil 23 - dekabr

737-6-0-Q/22

Namangan viloyati hokimligi

Наманган вилояти ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий тусдаги айрим қарорларини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган вилояти ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий тусдаги айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

3. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Қарордан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда судга ёки бошқа ваколатли органларга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Султанов

Зиммаларига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov

Namangan viloyat hokimining
2022 yil 23 dekabrda
737-6-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

**Наманган вилояти ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган
норматив-ҳуқуқий тусдаги айрим қарорлари**

РЎЙХАТИ

1. Наманган вилояти ҳокимининг “Вилоятдаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 6 декабрдаги 863-сон қарори;

2. Наманган вилояти ҳокимининг “Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида 2021 йил I ярим йиллиги учун электрон аукцион савдоларига қўйиладиган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қийматини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 23 февралдаги 109-сон қарори.